51 (497)
2005 йил 21 декабрь
Чоршанба

ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг нашри

Чоршанба кунлари чиқади

2
Маслаҳатчилар беллашганда
Падаркуш қизнинг "иши унмади"...

3
Ибодатнинг ҳукмлари
Серфазилат Суннат оқсоқол

4
Работи Малик — қадимий карвонсарой
Ироданинг иқтидорли ёшларга совғаси

Саҳифада

14 январь — Ватан ҳимоячилари куни

ЁШ ОФИЦЕРЛАР БАЙРАМИ

Фарғона шаҳридаги «Офицерлар уйи»да ёш офицерлар кечаси ўтказилди. Унда ҳарбий хизматчилар, уларнинг ота-оналари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Мамлакатимизда профессионал армияни шакллантириш, кадрлар салоҳиятини ўстириш ва бошқа бир қатор йўналишларда катта ислоҳотлар амалга ошириб келинмоқда. Айниқса, ҳукуматимиз томонидан ҳарбий хизматчиларни рағбатлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунда бу соҳада хизмат қилаётган йигитларимиз жанговар тайёргарлиги, сиёсий-ижтимоий ва маънавий салоҳияти билан ажралиб туради.

Шарқий ҳарбий округ қўмондони, генерал-майор Баҳодиржон Тошматов бошқарган тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Қаҳрамонлари Абдулла Орипов ва Зикир Муҳаммаджонов, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раисининг ўринбосари Г.Маъруфова, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий Кенгаши раиси Б.Убайдуллаев ва бошқалар бугунги мураккаб шароитда ҳарбий хизматчилар зиммасидаги улкан масъулият ҳақида сўз юритиб, ёш офицерларнинг Ватан тинчлиги, юрт осойишталиги йўлидаги шарафли хизматларида муваффақиятлар тиладилар.

— Бизга билдирилаётган бу ишончни албатта оқлаймиз, — дейди катта лейтенант Илҳом Шойимов. — Армиямиз куч-қудратини оширишда, тинчликни мустаҳкамлашда бизга катта масъулият юклатилганини ҳар доим ҳис этамиз. Шунинг учун ҳам доимо сергак ва ҳушёр бўлишимиз лозим. Бундай тадбирлар кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшади.

М.СУЛАЙМОНОВ,
ЎзА мухбири.

— Яна нима дейди?
— Ҳомийлар ва шифокорлар 2006 йилни обод қилади, — дейди.

2006 йил — Ҳомийлар ва шифокорлар йили

Самарқанд вилояти



Самарқанд шаҳридаги вилоят кўп тармоқли болалар клиник шифохонаси иш бошлаганига 15 йил бўлди. Шифо маскани Самарқанд тиббиёт институтининг малакали профессор-ўқитувчилари билан яқин ҳамкорликда фаолият олиб бормоқда. Эътиборли томони, бу ерда шифо топаётган беморлар орасида қўшни вилоятлардан келганлар ҳам кўпчиликни ташкил қилади.

— Айни пайтда шифо масканимиз 320 нафар беморга хизмат кўрсатиш имкониятига эга, — дейди шифохона бош шифокори Маматқул Азизов. — Шунингдек, бу ерда диагностик марказ ва эндоскопия хоналари мавжуд бўлиб, яқинда шулар қаторида қизлар ва ўсмир қизлар саломатлигини муҳофаза қилиш репродуктив маркази ҳам иш бошлади. Ушбу марказни замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш учун БМТ томонидан ажратилган 100 минг АҚШ доллари миқдоридаги маблағ сарфланган бўлса, 150 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари вилоят ҳокимлиги томонидан бажарилди.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида шифохонада 11 минг нафар бемор ўз саломатлигини тиклаб, уйларига қайтдилар.

СУРАТЛАРДА: *шифохонанинг бир гуруҳ ходимлари;*
шифо масканининг диагностика хонасида шифокор Тўлқин Ҳамроқулов ва ҳамшира Азиза Шокировалар беморга ташхис қўймоқда.

Т.НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган суратлар

Жиззах вилояти

ЙИЛНИНГ МАСЪУЛИЯТИ КАТТА

Фориш — мамлакатимизнинг энг йирик туманларидан бири. 200-250 чақирим олисдаги қишлоқлар аҳолиси учун туман марказига келиб-кетиш осон эмас. Бу — ушбу қишлоқлар инфратузилмасини, хусусан тиббий муассасалар фаолиятини тубдан яхшилашни талаб қилади.

Кейинги йилларда туманнинг ана шундай чекка ҳудудларида 25 та қишлоқ врачлик пункти барпо этилди. Улардан бири шу йил ёзда Ерембетов номидаги ширкат хўжалиги ҳудудида ишга туширилди. Чўпонлар истиқомат қиладиган бу қишлоқда барпо этилган замонавий шифо маскани барча шарт-шароитга эга.

Туман марказий шифохонасида ҳам мукаммал таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан қайта жиҳозланди. Аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифати ҳам анча яхшиланди.

Юртбошимизнинг ғамхўрлиги туфайли қишлоқ аҳлига тиббий хизмат кўрсатиш тизимини яхшилаш борасида амалга оширилган ишлардан қувонмасликнинг иложи йўқ. Мен ушбу соҳанинг вакили ҳамда қишлоқ фуқароси сифатида бундан беҳад қувонаман.

Президентимиз қарори билан тиббиёт ходимлари иш ҳақи оширилгани, 2006 йил Ҳомийлар ва шифокорлар йили деб эълон қилингани мамлакатимизда жорий этилаётган ислоҳотлар замирида халқ манфаати ётганидан далолат беради.

Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» Дастурини ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармойишида «соғлиқни сақлаш соҳасидаги, биринчи навбатда қишлоқ жойларидаги тиббий ёрдам муассасаларининг моддий-техник базасини мунтазам мустаҳкамлаб бориш, уларни замонавий диагностика ва тиббиёт ускуналари билан жиҳозлаш ҳамда улардан самарали фойдаланишни таъминлаш» масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Бу эса, биз — қишлоқ шифокорларини янада сидқидилдан меҳнат қилишга ундайди.

Президентимизнинг ўқитувчилар ва тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашни янада такомиллаштириш тўғрисидаги қарорларини амалга татбиқ этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқишга бағишлаб ўтказилган Вазирлар Маҳкамаси мажлисига мен каби оддий қишлоқ врачларининг, ўқитувчиларнинг таклиф этилгани ҳам бизга кўрсатилаётган ҳурмат ва эътибор намунасидир.

Юртбошимизнинг ушбу қарорларини ҳаётга татбиқ этиш борасидаги вазифалар шифокорлар зиммасига янада катта масъулият юклайди. Туманимиз тиббиёт ходимлари Ҳомийлар ва шифокорлар йили бўлган 2006 йилда янада самарали ишлашга бел боғлаганлар.

Авазбек БЕГИЕВ,
Фориш тумани
марказий шифохонасининг бош врачи.
/ЎзА/

Сирдарё вилояти

Фермер ер олиш арафасида...

Вилоятда етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, галла ва пахтанинг қариб 80 фоизи фермерлар ҳиссасига тўғри келди. Ширкат хўжаликлари негизида ташкил этилган фермер хўжаликларининг ҳар томонлама афзалликларга эга экани аён бўлди.

ДЕҲҚОН ИМТИҲОН ОЛДИДА

Шу боис ҳам бу йил вилоят бўйича бешта ширкат хўжалигининг 3 минг 269 гектар майдонида 172 та фермер хўжалиги ташкил этилади. Шу кунга қадар ширкат хўжаликлари ўрнида фермер хўжаликларини ташкил этиш комиссиясига 600 га яқин ариза тушди.

Боёвут туманининг «Ширин» ширкат хўжалиги асосан боғдорчилик ва узумчиликка ихтисослашган. Мавжуд 182,2 гектар боғ ва токзорлар ҳамда 1 гектар тутзорни ҳақиқий эгалари қўлига топшириш мақсадида бу ҳудудда 47 та фермер хўжалигини ташкил этиш ишлари жадаллик билан олиб борилянти. Шу кунгача боғ ва токзорларга эгалик қилиш истагини билдирган талабгорлардан 113 та ариза тушди.

Д.ЭСОНОВА,
ЎзА мухбири.

Фарғона вилояти

КОМИССИЯЛАР ФАОЛИЯТИ

фермер хўжаликлари ташкил этишда муҳим аҳамиятга эга

Фарғона туманидаги Гулистон, Миндон, Фарғона, Ғалаба ва Усмон Юсупов номли ширкат хўжаликлари ўрнида 708 та фермер хўжалиги ташкил этиш режалаштирилган. Шу боис фуқаролардан тендер танловларига аризалар қабул қилиш қизғин давом этмоқда.

Ғалаба ширкат хўжалигида ҳам талабгорлардан аризалар қабул қилиш, уларни расмийлаштириш яхши йўлга қўйилган. Бу иш алоҳида ишлаб чиқилган қўлланмалар асосида олиб борилмоқда. Фермер бўлишни хоҳлаган фуқаро хўжалик биносидаги компьютердан фойдаланиши ва фермерлик фаолияти ҳақида тушунчаларга эга бўлиши мумкин.

Миндон ширкат хўжалиги ер ва мулкларни фермерларга қайта тақсимлаш комиссияси ҳам аризаларни қабул қилиш, ўрганиб чиқиш ишларини пухта ташкил этган. Дастлабки маълумотларга қараганда бу хўжаликда 93 та фермер хўжалиги ташкил этиш учун 200 дан ортиқ ариза тушган.

Қувасой шаҳридаги боғдорчиликка ихтисослашган Акбарали Раҳмоналиев номли ширкат хўжалигида рентабеллик кейинги йилларда анча пасайиб кетган эди. Шаҳар ҳокимлигининг қарорига асосан бу хўжалик тугатилиб, унинг ўрнида мева-узумчилик ва сабзавотчилик йўналиши бўйича фермер хўжаликлари ташкил қилиш режалаштирилган. Бунинг учун шаҳар ҳокимининг ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари Т.Абдуқодиров бошчилигида 23 кишидан иборат комиссия тузилган. Комиссия аъзолари орасида қишлоқ хўжалиги мутахассислари, пудрат иш юритувчиларидан ташқари маҳаллалар фаоллари ҳам бор. Комиссия йиғилишларида фермер хўжаликлари ташкил этиш билан боғлиқ масалалар атрофлича кўриб чиқилмоқда.

Охунбобоев, Тошлоқ ва Олтиариқ туманларида ҳам паст рентабелли ширкат хўжаликлари ўрнида фермер хўжаликлари ташкил қилиш учун тендер танловлари ўтказилмоқда.

Кодир ШОДМОНОВ,
"Mahalla" мухбири.

Наманган вилояти

ҚИШ ЭШИГИ ТОР... ЭМАС

Чуст шаҳрининг Мустақиллик маҳалласи ҳудудида жойлашган ижтимоий-иқтисодиёт коллежи биносида қиш фаслига ёнд юмушлар борасида йиғилиш бўлиб ўтди. Унда йиғин раиси Эркинжон Валижонов маҳалла аҳли табиий газ ва электрт энергиясидан қарзларни шаҳарда биринчилардан бўлиб тугаллаганлигини маълум қилди.

— Қишга тайёргарлик масаласи ҳаммамизнинг эътиборимизда бўлди, — дейди "Маҳалла" жамғармаси туман бўлинмаси раиси Абдулазиз Баҳодиров. — Бу масала туман ҳокимлигидаги қўшма йиғилишда ҳам кўриб чиқилган. Ушанда тумандаги 64 та маҳаллада истиқомат қилувчи 210 минг нафар аҳолининг қиш мавсумига тайёргарлиги бўйича аниқ тадбирлар ишлаб чиқилган ва махсус штаблар ташкил қилинганди.

"Маҳалла" жамғармаси туман бўлинмасининг раёсатида коммунал тўловлардан қарздорликни камайтириш масаласига жиддий эътибор берилди. Қиш пайтида газ ва электр таъминотидаги узилишларнинг бўлмаслиги учун қарзларни ўз вақтида тўлаш лозимлиги аҳолига тушунтирилди. Ҳар бир маҳалла ва кўчаларга вакиллар бириктирилди. Қарзлардан қутулишда "Қишлоқ хўжаликкимё" бирлашмаси, машина-трактор парки, йўл қурилиши бошқармаси, электр тармоқлари корхонаси, савдо ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамияти жамоаларининг ёрдами катта бўлди.

Қиш пайтида табиий газнинг озайиб кетиш ҳоллари ҳам бўлиши мумкин. Шу боис, аҳолига 200 тоннага яқин кўмир етказиб берилди. Унда асосий эътибор кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, кекса, ногирон ва кўп болали оилаларга қаратилди.

Хуллас, Чуст туманида аҳолининг қиш ойларида қийналмасликлари учун зарур шарт-шароитлар яратилмоқда. Энди чустликлар қишни ҳеч бир қийинчиликларсиз ўтказадилар.

Узоқбой САКСОНБОЕВ,
"Mahalla" мухбири.

Ҳарбийлик — фуқаровий бурч

ЭР ЙИГИТ — ЭЛ ЙИГИТИ

Ватанни қўриқлай олган йигит оилани ҳам мустаҳкам сақлашга қодир бўлади

Ғурур, матонат, шижоат... Бу фазилатларнинг бари эр йигитга хос. Бугун Ватанимизни қўриқлаб турган миллий армиямиз сафида ана шу фазилатларга эга жасоратли йигитлар хизмат қилаётганлиги кўнгилларни тоғдек кўтаради. Улар бор экан шоир айтганидек: "...кўнгил тўқ, юрт обод, қўрғон саломат!"

Фарзанд ўстираётган ота-она борки, болам ҳақиқий йигит бўлиб улғайсин, коримга ярасин, дея орзу қилади. "Белида белбоғи бор йигит", дейишган ҳақиқий эркакларни. Сўздан қайтиш, ғурурсизлик, иккиюзламачилик азалдан эр киши учун ор саналган. Бугун кимдир балки бу гапларга бепарво қўл силтайди: "Замон ўзгарган". Албатта, дунё яралгандан буён замонлар неча бор ўзгарди, не-не давру давронлар айланди. Лекин юқоридаги каби фазилатлар ҳамиша қадрланган. Хусусан, тинчлик-осойишталик ҳар бир замоннинг талаби. Биз бугун бежизга ҳарбий хизмат ҳақида тўхталмадик. Бугун армиямиз сафларида элюрт осойишталиги йўлида хизмат қилаётган, ўз бурчини ўтаётган йигитларимиз том маънода Ватанимиз сарҳадларининг, ҳамюртларимиз қалбидаги хотиржамликнинг сабабчиларига айланишган. Аввалари ҳарбий хизматга бормаслик бирор бир жисмоний камчилик белгиси ҳисобланган Бугун-чи? Бугун ҳарбий хизматдан бўйин товлашни аксарият ҳолатларда йигитлардаги маънавий ноқислик, руҳ ожизлиги, деб атасак хато бўлмайди.

Тўғри, биз ҳарбий хизматга борганларни бир тоифа, бормаганларни иккинчи тоифага ажратмоқчи эмасмиз. Буни қарангки, соғлиги чиндан ёмонлиги туфайли ҳарбий хизматга боролмаган йигитларнинг кўпчилигидан "агар имкони бўлганда хизмат қилган бўлардим" деган сўзларни эшитамиз. Уларнинг аксарияти ўз меҳнатлари, касбий маҳоратлари билан жамиятимиз равнақига улуш қўшмоқдалар. Демак, уларнинг Ватанга, юртга меҳри бутун. Бироқ келбатидан куч-қувват ёғилиб турса-да, бозор-ўчарда пул топиш учун "касал"га айланаётган ёки атиги бир ойлик ҳарбий хизматдан ҳам "йўли"ни қилиб бўйин товлаётганларнинг бу ишини оқлаб бўладими? Бурч туйғуси инсонга болаликдан сингдирилмоғи лозим. Бу туйғуни ёш йигитларимиз руҳига сингдиришда аввало, онанинг, опа-сингилларларнинг, қолаверса, севикли ёрнинг тутган ўрни беқиёс.

Маълумотларга қараганда, дунёда ажралишлар сони йилдан-йилга камаймаяпти. Ўзбекона турмуш тарзимиздан келиб чиқиб мулоҳаза юритадиган бўлсак, ёш оилаларнинг бузилишига аксарият ҳолларда қайнонакелиннинг ўзаро можарлари сабаб бўлмоқда. Ёш оила соҳибининг бундай вазиятларда томошабин бўлишдан ортиғига ярамаганига кўп гувоҳ бўлганмиз. Хўш, унинг ҳарбий хизматга борган-бормагани бу ўринда қандай аҳамиятга эга, деган савол туғилиши мумкин. Тўғри, оилалар бузилиши ҳақидаги маълумотлар шу нуқтаи назардан таҳлил қилинмаган. Келинг, шундай таҳлил бўлмаса-да, ҳеч бўлмаса мулоҳазани ўзимиз қилайлик. Айтайлик, турмуш икир-чикирлари баҳона бўлиб, қайнона-келин ўртасида сўз қочди. Кесатиқ гап-сўзлар каттагина жанжалга айланди. Бу ўринда йигит кишининг бир оғиз журъатли, айни пайтда ҳақиқатга тўғри келадиган сўзи ҳар икки аёлни ҳам муросага келтириши аниқ. Бу сўз келгусидаги можароларга ҳам чек қўйиши эҳтимол. Лекин йигитда шу сўзни айтишга журъат йўқ, тўғрироғи, оила тинчлиги учун масъулият ҳисси йўқ. Бундай сўзни айтиш учун у оқ-қорани таниган, қайсидир чиғириқлардан ўтган бўлиши керак. Энди айтингчи, юрт тинчлиги учун масъулият ҳиссини туйган кишида оила тинчлиги учун жонкуярлик ҳам кучли бўлмайдими? Албатта, кучли бўлади! Чунки ҳарбий хизмат давомида ўз юрти сарҳадларини, тинчлигини қўриқлаётганидан ғурури осмон қадар юксалиб келган йигит ўз оиласидаги нотинчликдан қаттиқ ор қилади, ҳар қандай шароитда ҳам бунинг олдини олади, оила шаънини сақлайди. Ҳақ-ноҳақни ажратолмасдан она ёки турмуш ўртоғига ён босиб кетавермайди.

"Она қаттиққўл бўлган оилада ҳақиқий эр йигитлар вояга етади" деган эди немис файласуфи Гёте. Ҳақ гап. Ўғилни тарбиялаш асосан отанинг иши, деганлар янглишадилар. Оилада, айниқса, онанинг ўғил фарзандига муносабатида "Ўғлим келажакда оила устуни, ватан ҳимоячиси бўла олиши шарт" деган талаб акс этиши лозим. Афсуски, баъзан эр етган ўғлини ҳарбий хизматдан нима қилиб бўлса-да олиб қолиш чорасини излаб, ёлиб юрган оналарни ҳам учратамиз. Йигит ҳам онасининг етовида, унинг "Ҳарбий хизматга бормасанг ҳам кунинг ўтади, сен узоққа кетсанг хавотирга тушаман, юрагим дош бермайди" қабилидаги гапларини тинглаб юраверади. Аниқки, шу тахлит фикрлайдиган замондош аёлларимиз қаттиқ адашадилар. Чунки Оналар юраги аслида эр етган ўғлининг ориятн, ғурури, матонати тўкис бўлмаслигига дош беролмайди. Ватан ҳимоясига шай турган ва ўз бурчини тўкис адо этган ўғлонлар эса оналар юрагини қувватга, қалбини шукроналарга тўлдиради, умрини безайди. Бу — эътироф ёки мулоҳаза эмас, балки одамзод яралгандан бери миллион марта ўз тасдиғини топган ҳақиқатдир.

Мавлуда ҚОСИМОВА,
Гулрўх ЁРМАТОВА.

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида 060 рақами билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Хомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93
Тел/Факс: — 133-44-25
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62

« M.R» — белгиси остида реклама-тижорат мақолалари берилади.

Муассислар:
Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси таҳририятининг меҳнат жамоаси.

АЗИЗ МУШТАРИЙ! 2006 йил УЧУН ОБУНА МАВСУМИ ТУГАШИГА УЧ КУН ҚОЛДИ.
2006 ЙИЛДА "Mahalla"СИЗ ҚОЛМАНГ!

ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

Япониянинг «Тойота» корпорацияси 2006 йилда ишлаб чиқариш ҳажмини ўн фоизга оширмоқчи. Режага кўра, келаси йил 9,6 миллион дона автомобиль чиқарилади. Корпорация бу билан автомобиль ишлаб чиқариш борасида дунёда етакчи ўринга чиқиб олишни кўзламоқда.

«Тойота»нинг режаси амалга ошса, АҚШнинг «Женерал моторс» корпорацияси иккинчи ўринга тушади. Бу корпорация ҳозир оғир даврни бошдан кечирмоқда. Маълумотларга кўра, у жорий йилнинг учинчи чорагида 6,1 миллиард доллар зарар кўрган. Сабаби — нафақат жаҳон бозорида, балки АҚШнинг ўзида ҳам осиёликлар ишлаб чиқараётган, нисбатан камроқ бензин ёқадиган автомобилларнинг харидори ортиб бормоқда.

* * *

Кёльн (Германия) маъмурияти ЮНЕСКО талаби билан шаҳар марказида баланд бинолар барпо этиш лойиҳасидан воз кечди. Бу лойиҳага кўра Рейн дарёси бўйида баландлиги юз метр келадиган бино ва бир неча кўп қаватли иморатлар қуриш режалаштирилганди. Аммо улар қад ростлаганида, мамлакатдаги қадимий ёдгорликлардан бири — Кёльн кафедрал ибодатхонасини тўсиб қўйган бўларди.

Шу боис ЮНЕСКО шаҳар маъмуриятидан бу қурилишдан воз кечишни қатъий талаб қилди. Талаб инобатга олинмаганида, мазкур ибодатхона Жаҳон маданий мероси рўйхатидан олиб ташланиши мумкин эди.

* * *

АҚШнинг Флорида штатида кичик йўловчи самолёти ҳалокатга учради. Хабарларга кўра, самолёт Майами шаҳридан Багам ороллариga учаётиб, портлаб кетган ва денгизга қулаган. Унда жами 20 киши, жумладан, уч нафар ёш бола бўлган. Қутқарувчилар ҳозиргача 19 кишининг жасадини топишга муваффақ бўлди.

Майамидаги Федерал қидирув бюроси вакили Жуди Орихуэлнинг айтишича, бу фожиа террорчилик ҳаракати натижасими-йўқми — ҳали аниқ эмас. Воқеа юзасидан жиноий иш қўзғатилиб, қидирув олиб борилмоқда.

ЎзА

Обуна — 2006

Айни пайтда маҳаллалар зиммасидаги вазифаларни бекаму кўст бажариш учун биргина инсоннинг вақти ҳам, имконияти ҳам етмаслиги табиий. Шу боис, маҳалла ишида кўпроқ фаоллар кўмагига таяниш керак. Қолаверса, оқсоқол тажрибали, қўйилган вазифаларни бажариш йўл-йўриқларини яхши билса, фаолиятда ривожланиш бўлади.

"MAHALLA"ГА МУШТАРИЙ БЎЛДИК...

Фарғона вилояти

Мен ўз фаолиятимда "Mahalla" газетасида чоп этилаётган мақолаларга таяниб иш кўраман. Шу сабабли ҳам ушбу газета чиқа бошлаган йилдан буён унинг мухлисиман.

Дастлабки йили бизнинг Қўқон шаҳридаги Фиштқўприк маҳалласи "Mahalla" газетасига 1 та, 1997 йилда эса 2 та обуна бўлди. Шундан буён ҳар йили маҳалламиз бўйича 2 ёки 3 нусхада газетага обуна уюштирилаяпти. Фуқароларимиз, айниқса тадбиркорлар ўртасида ҳам "Mahalla" муштарийлари кўпайиб бормоқда. Ҳозиргача маҳалламиз бўйича 2006 йил учун ушбу газетага 6 та йиллик обуна ташкил этилгани фикримизга бир далил. Йил охиригача бу кўрсаткични 10 тага етказишга ҳаракат қиляпмиз.

Дарвоқе, "Mahalla"га обуна кўрсаткичи бошқа маҳаллаларда ҳам юқори. Жумладан, Абдумалик Мингбоев оқсоқоллик қилаётган Мисгарлик, Ҳакимжон Умаров оқсоқоллик қилаётган Акмал Икромов номли, Исломобод, Хўжанд даҳаси, Қаландархона, Ёғ бозори, Ноиб кўприги, Оқ олтин, Янгиобод маҳалласи фуқаролар йиғинларида ҳам обуначилар сони кўпаймоқда. Шаҳримиз бўйича эса 65 та маҳаллада ташкил этилган обуна миқдори 140 тадан ортиб кетди. Буларнинг ҳаммаси йиллик обуна.

"Маҳалла" жамғармаси шаҳар бўлинмаси раиси Бахромжон Мамажонов газетанинг фуқаролар йиғинлари фаолиятидаги ўрнини кенг тарғиб қилишга бош-қош бўлмоқда.

Икромжон АЛИМОВ,
Қўқон шаҳридаги Фиштқўприк маҳалласи фуқаролар йиғини раиси.

Хоразм вилояти

"Маҳалла" жамғармаси Урганч шаҳар бўлинмасига ҳаётда ҳам, фаолиятда ҳам тажрибали инсон Қодир Раҳмонов раислик қилади.

У тумандаги маҳаллалар ишини равнақ топтиришга интилар экан, бу йўлда "Mahalla" газетасининг кўмагига таяниб салмоқли ишларни бажариш мумкинлигига ишонади. Шу боис раис айни пайтда маҳалла оқсоқоллари, ходимлари, фаоллари ва қолаверса, кенг аҳоли ўртасида "Mahalla" газетасини кенг тарғиб қилишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Қувонарлиси, ушбу саъй-ҳаракатлар натижасида шаҳардаги мавжуд 35 та маҳалла фуқаролар йиғинлари 2006 йил учун "Mahalla" га 105 нусхада обуна бўлдилар. Жумладан, Мустақиллик, Шодлик, Саховат, Бинокор ва Ал-Хоразмий номли маҳаллаларга келгуси йилда 4-6 тадан "Mahalla" етиб боради.

МУХБИРИМИЗ

Андижон вилояти

Марҳамат туманида 48 та маҳалла фуқаролар йиғини бўлиб, шу кунгача "Mahalla" газетасига 137 та обуна ташкил қилинди.

— Биз ҳар бир йиғинга "Mahalla" газетаси учун 4 тадан обуна бўлишни мўлжаллаганмиз, — дейди "Маҳалла" жамғармаси туман бўлинмаси раиси Мирзакарим Раҳимов. — Бир қатор йиғинларда ана шу натижага эришилди. Шу ойнинг сўнгги кунигача сўзимизнинг устидан чиқамиз.

Вилоятда "Mahalla" газетасига обуна бўлиш қизғин давом этмоқда. Айни кунда вилоятдаги обуначилар сони 1100 нафардан ортди. Айниқса, Қўрғонтепа, Шаҳрихон, Булоқбоши, Андижон тумани ва Андижон шаҳридаги муштарийларимиз бошқаларга намуна бўлмоқдалар.

Узоқбой САКСОНБОЕВ,
"Mahalla" мухбири.

Сурхондарё вилояти

ОҚҚЎРҒОННИНГ ЕТТИ МАҲАЛЛАСИДА

Уларда амалга оширилаётган хайрли ишлар кўпчиликка ибрат бўлмоқда

Оққўрғон қишлоқ фуқаролар йиғини ўрамидаги еттита маҳалла бир-биридан узоқда, тарқоқ жойлашган. Қишлоқ йиғинига Карим Алланазаров раислик қилади, котиб Тоштемир Аҳмедов. 19 минг 304 нафар аҳоли, 4 минг 403 оилани бошқаришда улар бевосита маҳалла оқсоқолларига, маҳалла фаолларининг ёрдамига таянади. Халқнинг турмушини янада яхшилаш, муаммоларини бартараф этишда биргаликда бажарилаётган амалий ишлар самараси юқори бўлаяпти. Айниқса, қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш дастури асосида амалга оширилаётган ишлар эътиборга молик. Шу аснода ҳудудда кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилаётир. 137 та фермер хўжалигининг фаолият кўрсатаётгани хайрли ишларни бажаришда қўл келмоқда.

Оқмола маҳалласига 3,5 километрлик газ қувурининг тортилиши 37 оиланинг "зангори олов"дан баҳраманд бўлишига йўл очди. Бу хайрли ишда оқсоқол Тўхтамурод Музрабоевнинг хизмати катта бўлди. Йил давомида 364 та хўжалик янги уйларга кўчиб ўтди. Улар ҳам коммунал хизматлардан баҳраманд. Қуллиқшо ва Навбоғ маҳаллаларида яшаётган аҳоли эндиликда ичимлик суви билан тўлиқ таъминланган. Иккита артезиан қудуғи қазилиб, зилол сув чиқарилаяпти. Навбоғ ва Чўлпонота қабристонларида қурилган мақбаралар халқнинг кучи билан бунёд этилди.

Муҳриддин Юсупов раислик қилаётган Навбоғ маҳалласида эса 3 минг 678 нафар аҳоли истиқомат қилади. Икки қишлоқ — Янги ва Навбоғ аҳолиси бирлашган маҳаллаларда ҳам хайрли ишлар кўп. 12 километрлик ички йўлларга шағал ётқизилиб, ободончилик ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилаяпти.

Хўжақияликлар ҳам давр руҳига мос савоб ишлар билан банд. Шаҳарга яқин Хўжақия-1даги хонадонларнинг 85 фоизи газлаштирилган. Айниқса, Айини гузарини газлаштиришда ҳомийлар ва маҳалла аҳолисининг саъй-ҳаракатлари катта бўлди. 8 та ички йўлнинг 3 тасига шағал ётқизилди ва 1 километрлик йўл асфальтланди. 64 та кам таъминланган оилаларни 7 та фермер хўжалиги ўз оталиғига олишди. Яқинда 4 та ногирони бор оилага халқ ҳашаридан тушган маблағнинг асосий қисми ҳадя қилинди.

Энг асосийси, маҳалла ўз идорасига эга. Ширкат хўжалигига қарашли эски ҳаммом биноси ташландиқ ҳолда эди. Ҳашар йўли билан бино қайта таъмирланиб, идорага айлантирилди.

Хўжақия-2 қишлоғи шаҳардан қарийб 10 чақирим узоқликда — қатнаш қийинчилик туғдирарди. Йўли қайта таъмирланиб, маҳалла оқсоқоли Шароф Алламуродовнинг ташаббуси билан автобус қатнови йўлга қўйилди.

Қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги фермерлар барча ободончилик ва кўкаламзорлаштириш ишларида айниқса, жуда фаол.. Ички йўлларнинг 18 таси уларнинг ташаббуси билан равонлашди. Қудуқсойда гузар ташкил қилинди. 10 та хонадан иборат гузар аҳолининг эҳтиёжини қондиришга хизмат қилмоқда. Барча турдаги устахона ва савдо дўконлари доимо одамлар билан гавжум. Хўжақияда ҳам ана шундай маҳалла гузари бунёд этилаяпти.

Омон ШУКУРОВ,
Парда НАЗАРОВ.

Жиззах вилояти

Н.АЛМУРОДОВ олган сурат.

Абдулла ака Мамаюсупов ғаллароллик фахрий педагоглардан бири. У тумандаги Қонақа қишлоғида яшаб, 45 йилдан зиёд вақт шу қишлоқ ёшларига математика фанидан сабоқ берди. Айни пайтда фарзанд ва набиралари ардоғида қарилик гаштини сураётган Абдулла ака таълим-тарбия соҳасидаги бугунги имкониятлардан фахрланиб сўзлайди. У ўзи яшайдиган Музработ қишлоқ фуқаролар йиғини фаоллари сафидан жой олган.

СУРАТДА: *Абдулла Мамаюсупов (ўнгдан) шифокор фарзанди Сайфулла ака ва набираси Авазжон билан.*

Кўрик-танлов

Хоразм вилояти

ФАОЛИЯТДА ФАОЛ АЁЛЛАР

улар вилоятда ўтказилган "Ҳуқуқий ва тиббий жиҳатдан энг саводли хотин-қизлар гуруҳи" кўрик-танловида аниқланди

Яқинда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан Хоразм вилояти, шаҳар ва туманлар Хотин-қизлар қўмиталари ҳамда "Маҳалла" хайрия жамғармаси бўлим ва бўлинмалари ҳамкорлигида вилоятдаги фуқаролар йиғинларида фаолият олиб бораётган хотин-қизлар билан ишлаш комиссиялари раислари ҳамда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларнинг билими, сиёсий, ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида "Ҳуқуқий ва тиббий жиҳатдан энг саводли хотин-қизлар гуруҳи" кўрик-танлови ўтказилди.

Кўрик-танловда вилоятимизнинг Урганч шаҳри ва барча туманларидан жами 11 та жамоа иштирок этди. Кўрик-танлов мавзулари "Аёллар ҳуқуқи — қайнона ва келин муносабати", "Репродуктив саломатлик ва репродуктив ҳуқуқ", "Гендер ҳуқуқлари" доирасида ташкил этилди.

Мавзу мақсад ва вазифаларини аниқ ёритиш номинацияси бўйича 1-ўрин Боғот туманининг "Бегойим" гуруҳига, 2-ўрин Янгиариқ туманининг "Нажодкор" гуруҳига, 3-ўрин Хазорасп туманининг "Ёғду" гуруҳига муносиб кўрилди.

Урганч шаҳрининг "Санам" гуруҳи икки оила ҳаётини саҳнада талқин этиш давомида маслаҳатчилар иши нақадар серқирра эканини намоён этдилар. Саҳна безаги сифатида тадбиркор аёллар бошчилигида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлардан ўринли фойдаланилди. Энг чиройли саҳна безаги номинацияси бўйича 1-ўринга Урганч шаҳар "Саман" гуруҳи лойиқ деб топилди. Бу номинация бўйича 2-ўрин Урганч тумани "Ниҳол", 3-ўрин Хива тумани "Соғлом авлод" гуруҳларига берилди.

Томошабинлар олқиши номинацияси бўйича Хонқа туманининг "Сарафаёз" гуруҳи 1-ўринни эгаллади. Бу номинация бўйича Қўшкўпир тумани "Хумо" гуруҳи 2-ўрин, Янгибозор тумани "Санамлар" гуруҳи 3-ўрин ғолиби деб топилди. Шовот, Гурлан тумани жамоалари рағбатлантирувчи совғалар совриндори бўлишди.

Кўрик-танловда Республика бош вазирининг ўринбосари, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Т.Иномова иштирок этди.

Р.ҚУТЛИМУРАТОВ,
Хоразм вилояти Оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими раиси.

Суддан сўнг...

1958 йилнинг, 15 июли. Уйчи туман Ёркатай қишлоғининг 100-уйида яшовчи Турсунбой Турғуновнинг хонадонида учинчи фарзанд дунёга келди. Турдихон эрига нозли боққанча шивирлади:
— Икки ўғлимизнинг синглиси йўқ эди, мана энди уларга жон сингил.
— Нимасини айтасиз. Қизимиз вояга етса, машҳур қиз бўлади. Машҳур қиз...
— Ҳа, унинг исми ҳам Машҳура бўлади. Машҳура!!!
Афсуски, шу ўринда фақат яхши ишлари билан машҳур бўлади, дейишмаган экан.

СУИҚАСД...

Яхшиямки, у амалга ошмади, йўқса, уй-жой, пул талашган аёлнинг ўз отасини пулга қотил ёллаб ўлдиртириши воқеасини муштарийлар эътиборига ҳавола этиш янада кўнгилсиз бўларди.

Йиллар ўтди. Оилада яна бир қиз туғилди. Аммо бу пайтда хонадоннинг аҳиллигига аллақачон путур етган эди. Шу боис 1962 йили эр-хотин ажрашишди.

Икки ўғил, бир қизни олиб эр уйда қолди. Аёл кенжаси билан кетди. Онасиз қолаётган тўнғичларининг тақдирига ачинмади. Лоақал "Вояга етса машҳур қиз бўлади" деб ниятлаган Машҳурасинида олиб кетмади.

Машҳурани қўшни қишлоққа келин қилиб узатдилар. Бироқ, у кўп ўтмай қайтиб келди. Унинг дастлабки "машҳур"лиги ана шундан бошланди. Яна узатдилар. Қўйингки, тўрт бора узатилди, у тўрт бора остона янгилади. Лекин ҳеч бир остонанинг қадрига етмади. Чунки қуш инида кўрганини қилади. 4 яшарлик қақажон пайтидаёқ онасидан тирик етим қолган Машҳура отасидан қандай тарбия кўрибдики, унга амал қилсин. Ахир ота кўча кишиси — тирикчилик учун ишлаши, пул топиши керак.

— Ниҳоят, 1985 йили Машҳурани яна бир кишига узатдик, — дейди унинг онаси Турдихон Абдуллаева терговга кўрсатма бериш чоғида. — Қизим мазкур эри билан Қашқадарёга кўчиб кетиб, у ерда ўн йилдан кўпроқ вақт яшади. Биз ҳам бу пайтларда анча тинч яшадик. Бироқ...

Онанинг оласи бўлмас экан. Оласи бўлса ҳам кўнгли қораси бўлмас экан. Чунки Турдихон ая қизи Машҳурани қоралаб гапиришга тўғри келганда худди уни биров бўғаётгандек бўғриқиб сўзлади. Унинг айтишича, Машҳура 1999 йили Қашқадарёдан эри ва яна тўрт нафар фарзанди билан ота уйига кўчиб келади.

Ношукур банда "чиққан қиз чиғирикдан нари"лигини қаёқдан билсин. Ҳар куни отаси ёхуд акаси билан жанжаллашади. Уй-жой талашади. Ҳатто кўни-қўшниларга ҳам тинчлик бермайди. Дўппи тор келиб қолганда мункиллаб қолган отасига тегишли ул-булни сотади. Борди-ю, падари бузруквори насиҳатгўйлик қилса, унга "Ўлдираман!" дея дўқ уради.

Афсуски, Машҳуранинг дўқлари шунчаки қўрқитиш эмасди. У ўз падарини маҳв этиб, унинг ҳовли-жойига эга бўлишга қасд қилганди. Ҳатто бир гал уйдаги қурилиш материалларидан иккита ёғочни пуллайди. Унинг қилмишидан хабар топган отаси Турсунбой Турғунов яна ўша насиҳатгўйлигини бошлаганида у:

— Сен қари тўнка, ўз ажалинг билан ўлмадинг, ўлмадинг! Қутулмадим. Энди сени ўзим ўлдираман, — дейди.

Машҳуранинг ўшандаги аҳволи ўлжасига ташланган урғочи қоплон суратидан баттар эди. Шу тобда қалби меҳр амалларига мутлоқ бегона қизнинг қўлларига темир дастали болта илинди.

— Ё, Худо!!!

Чол шу сўзнигина айта олди, холос. Биров унинг боши узра кўтарилган болтани, бошқа биров қасдгўйнинг илкидан аранг тутиб қолди. Бўлмаса...

— Агар бир дақиқа ҳаяллаганимизда кеч бўларди, — дейди Сайфиддин ва Бурхониддин Нажмиддинов. — Шукур, биздан буюрган эканки, қўшнимизнинг ҳаётини сақлаб қолдик.

Кўзи ожиз, бунинг устига кексайиб қолган ота шунда ҳам қизига ломмим демади. Дардини ичига ютди. Машҳурасига яратгандан инсоф тилади, холос.

— Июнь ойи эди, — деб эслайди Турдихон Абдуллаева.

— Бир куни Машҳуранинг қизи, яъни набирам Шаҳло бизникига меҳмон бўлиб келди. Баҳоли қудрат кутиб олдим. Лекин у овқатимга уйқу дори солиб ухлатиб қўйгач, бисотимдаги тилла буюмларим ва 200 минг сўм пулимни ўмариб чиқиб кетди.

Шундан сўнг буви набирасининг устидан шикоят қилиб қизига ёрилди, аммо Машҳура онасининг додини тинглаш ўрнига ҳақоратлаб остонадан ҳайдади.

Тарвузи қўлтиғидан тушган жабрдийда она ўмарилган мол-мулкини ундириб беришларини сўраб, Уйчи тумани Ички ишлар бўлимига мурожаат қилади.

Мазкур масала дастлаб Исломобод маҳалласи фуқаролар йиғинида кўриб чиқилади. Бироқ ўзидан ўзгани одам ўрнида кўрмайдиган Машҳура оқсоқолларни ҳам беҳурмат қилади.

Ана шундагина қўни-қўшнилар "Бу аёлни маҳалладан ҳайдаш керак" деган тўхтамга келади. Эри ва 4 нафар фарзанди билан ота уйидан қувилган аламзада қиз шу йилнинг 29 июнь куни Наманган шаҳрида вақтинча бошпана топди. Сўнг... сўнг не даҳшатки отасининг тақдирини ҳал этиш режасини туза бошлади.

Ниҳоят, шу атрофда яшовчи қариндоши Аваз Тошбоевни топди. У иблисона ниятларини тўкиб солди. Дастлаб оёқ тирагандек кўринган Аваз, ... негадир кейин унга кўмаклашадиган бўлди.

Эртасига у учрашув белгиланган жойга Сирожиддин исмли йигит билан келди.

— 250 минг сўм бераман, — деди у.

— Қачон?

— Мана бу ўттиз минг, аванс. Қолганини иш бўлгандан кейин гаплашамиз. Лекин бир шарт — чолни ёстиқ билан бўғиб ўлдирасиз. Токи уни ўз ажали билан ўлганига бошқалар ҳам ишонсин.

Эртасига тушдан сўнг, телефон жиринглади. Дастакни Машҳуранинг ўзи олди. "Иш пишди" деди гўшакдаги овоз.

Улар келишилган ерда учрашишди. Сирожиддин қора целофан халтани стол устига қўяркан:

— Бобойнинг кийимлари. Мана бу соат ундан эсдалик. Ўзлари канал орқали "у ёққа" сузи-и-иб кетдилар. Қисқаси пулни чўзсангиз бас, — деди.

— Мана йигирма минг. Эллик минг бўлди.

— Ие...

— Кечқурун тўққизда "Черёмушка"да кўришамиз. Қолган пулни ўша ерда оласиз.

Машҳура йўл четидаги ахлат қутисига "марҳум" отасининг кийимлари солинган халтани улоқтирди.

Машҳура йигитларга ваъда қилган вақтга бироз қолганда уйдан эри Аҳмаджон Қодиров билан чиқди.

— Сиз анави ерда пиво ичиб туринг, мен ҳозир "Черёмушка" бекатига бориб келаман. Аваз билан гаплашадиган гапимиз бор.

Машҳура шу гапни айтиб бекатга қараб кетди. У ерда уни йигитлар кутиб туришарди.

— Мана, яна етмиш беш минг, уйда борини олиб чиқдим.

— Бир юз йигирма беш минг қолди. Қарзсиз.

— Гап йўқ!

Хайрлашишди. Сўнг Машҳура эри пиво ичиб ўтирган ерга қайтиб келди. Шу пайт эр-хотинни тўрт-беш нафар киши қуршаб олди.

— Биз Ички ишлардамиз, — улардан бири ёнидан ҳужжат чиқариб Машҳурага кўрсатаркан. — Сиз ўз отангизни ўлдириш учун қотил ёллаганликда айбланиб, ҳибсга олиндингиз.

Аваздбек Тошбоевнинг хабари бўйича тузилган тезкор гуруҳ Машҳуранинг суиқасд режасини чиппакка чиқарди.

Терговдан сўнг суд бўлиб ўтди. Унда юқорида ҳикоя қилганларимизнинг бариси тасдиғини топди. Машҳура қилмишига яраша озодликдан маҳрум этилди.

Мўминжон БОБОМИРЗАЕВ,
Наманган вилояти прокуратураси жиноятларни тергов қилиш бўлими бошлиғи, адлия маслаҳатчиси.
Саидолим АБДУРАҲМОНОВ,
журналист.

Янги рисола:

"МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ"

таниқли ёзувчи Абдуқаҳҳор Иброҳимовнинг ушбу номда нашр этилган янги рисоласи академиянинг 1000 йиллик тўйига муносиб туҳфадир



IX-XII асрларда юртимизда юз берган Уйғониш даврининг туб мазмунмоҳияти илм-фан ва маданият соҳасидаги улкан тараққиёт билан изоҳланади. Шу даврда ташкил этилган ва фаолияти орқали бутун дунё тамаддунига беқиёс ҳисса қўшган Хоразм Маъмун академияси бугун ўзининг 1000 йиллик юбилейини нишонлаш арафасида.

Айни пайтда Хоразм Маъмун академияси тарихини чуқур, илмий асосда ўрганиш ва бу ҳақда тўпланган бой, холис маълумотларни халқимизга кенгроқ етказиш ўзбек олимлари, хусусан, тарихчилари олдидаги устивор вазифалардан бири бўлиб турибди.

Яқинда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриётида чоп этилган Абдуқаҳҳор Иброҳимовнинг "Маъмун Академияси" номли рисоласи ҳам ана шу эҳтиёж туфайли дунё юзини кўрди. Республика Маънавият ва маърифат кенгаши Миллий мафкура илмий тарғибот маркази, Хоразм вилояти Маънавият ва маърифат кенгаши ташаббуси билан яратилган мазкур оммабоп рисолада Юртбошимизнинг "Хоразм Маъмун академиясини қайтадан ташкил этиш тўғрисида"ги Фармони, Хива шаҳрининг 2500 йиллигида сўзлаган табрик нутқи ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг "Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги Қароридан келиб чиқиб, мавзу доираси кенгроқ олиниб, масала моҳиятига чуқурроқ киришга ҳаракат қилинган.

Бинобарин, рисолада Уйғониш даврида Хоразм Маъмун академиясининг ташкил этилиши, унинг тараққиётига беқиёс ҳисса қўшган ватандошларимиз ҳақида сўз юритилади. "Маъмун академияси бутун ислом дунёсида шу типдаги иккинчи академия эди,— деб келтирилади рисолада.— Биринчи академия Бағдодда тузилган бўлса-да, лекин унинг асосий илмий кучлари — асли туркистонлик олимлардан ташкил топган эди. Буни қарангки, иккала академиянинг ҳам ташаббускорлари адаш, яъни исмлари Маъмун эди. Бири — халифа Маъмун, иккинчиси хоразмшоҳ — Маъмун".

Бундай қизиқарли ва холис маълумотлар табиийки, китобхонларнинг эътиборини ўзига жалб қилади, ўз навбатида уларнинг юртимизнинг бой тарихини, илмий-маданий меросини ўрганишига хизмат қилади. Шунингдек, рисолада буюк ватандошларимиз, мутафаккир ва қомусий билим дарғалари — Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий ва Ибн Синолар ҳақида ҳам келтирилганки, гарчи бу тўғрида кўп бора гапирилган бўлса-да, уларнинг Хоразм Маъмун академияси ривожига қўшган беқиёс ҳиссаси нуқтаи назаридан муаллиф А.Иброҳимовнинг фикрлари ўқувчиларга нисбатан янги ва қизиқарлидек туюлиши шубҳасиз.

Ф.БЎТАЕВ

Нашрларимиз Ҳаж сафари олдидан

Истиқлол Ўзбекистон фуқаролари учун ўз диний эътиқодларини эркин амалга ошириш йўлида катта имкониятлар яратди. Хусусан, Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг диний-ижтимоий, илмий-адабий нашри — "Ҳидоят" журналининг мамлакатимиз мусулмонлари орасида кенг оммалашуви ҳам юқоридаги фикримизга ёрқин бир далил.

Яқинда кўпчилик томонидан севиб ўқиладиган ушбу журналининг янги — 11-сони нашрдан чиқди. Журналнинг янги сонидан Ҳаж зиёрати олдидан Ислом дини анъаналари билан боғлиқ бир қатор қизиқарли ва муҳим мақолалар ҳам жой олганки, улардан бирини газетамизнинг кўп сонли муштарийлари эътиборига ҳавола этишни лозим деб топдик.

Абу Ҳанифа Қайсдан, Торикдан, Ибн Масъуддан ривоят қилади:

Ибн Масъуд айтди: "Расулуллоҳ марҳамат қилдилар: "Ҳажнинг энг афзал амали баланд овоз ва оқизишдир. Баланд овоз талбия ва таҳлил айтиш, оқизиш эса, қурбонлик сўйишдир".

Имоми Аъзам Абу ҲАНИФА, "Муснад" китобидан.

ҚУРБОНЛИК ИБОДАТИ ВА УНИНГ ҲУКМЛАРИ

— Қурбонлик ҳижратнинг иккинчи йилида вожиб бўлган.

— Қурбонлик зарурий эҳтиёждан ошиқча, қиймати кумуш нисоби миқдорига етадиган мулкка ёки шунча миқдор пулга эга бўлган ҳар бир муқим эркак ва аёл мусулмонга вожибдир.

— Қурбонлик Китоб, Суннат ва ижмоъ билан собитдир.

— Қурбонлик қилиш закот, фитр садақаси каби молиявий ибодат.

— Қурбонлик сўйиш вақти зулҳижжа ойининг ўнинчи куни ҳайит намози ўқилганидан бошлаб то ўн иккинчи кунининг шомигачадир.

— Қурбонлик қилиш мусофирга вожиб эмас.

— Нисоб миқдоридаги мулкка эга киши қурбонлик учун қўй сотиб олганидан кейин сафарга чиқса, ундан қурбонлик соқит бўлади, олган қўйини сотиб юбориши жоиз.

— Қурбонлик сўйиш вақтининг охиридаги бойлик ҳолати қурбонликнинг вожиб бўлиши учун ҳисобга олинади. Яъни, камбағал киши қурбонлик сўйиш вақтининг охирига келиб кумуш нисоби миқдорича бойликка эга бўлса, унга қурбонлик вожиб бўлади. Агар бой киши шу вақтда камбағал бўлиб қолса, унга қурбонлик сўйиш вожиб бўлмайди.

— Бой киши қурбонликка назр қилиб сотиб олган қўйни қурбонлик кунлари тириклай садақа қилса, қурбонлик вақти ўтмаган бўлса, унга тенг қўйни қурбонлик учун сўйиши лозим бўлади. Агар қурбонлик вақти ўтган бўлса, қийматини садақа қилиши керак.

— Камбағал киши қурбонлик ниятида қўй сотиб олса-ю, олган қўйини сотиб юборса ё қўй ўлиб қолса, бошқа қўй сотиб олиб, қурбонлик қилиши лозим бўлмайди. Чунки ният қилиш билан камбағалга қурбонлик сўйиш вожиб бўлмайди.

— Қурбонликка айнан атаб сотиб олинган молни (қўйни) сотиш мумкин эмас. Агар сотиб, арзонроқ бошқасини олса, қолган пулни садақа қилиши лозим.

— Қурбонлик учун беш ёшга тўлган туя, икки ёшга тўлган қорамол, олти ойга тўлган қўй, бир ёшли эчки ярайди.

— Қурбонлик ниятида товуқ, ғоз, курка кабиларни сўйиш макрухдир.

— Икки ёки бир кўзи кўр, ўта даражада ориқ, сўйиладиган жойигача юриб боролмайдиган даражада чўлоқ, туғилишидан қулоғи ёки таносил аъзоси бўлмаган, шохи ва думининг учдан бир қисмидан кўпроғи кесиб ташланган қўй, эчки, мол ва туяни қурбонлик учун сўйиб бўлмайди.

— Туя ва қорамолларни етти ёки ундан кам киши бирлашиб қурбонликка сўйишлари жоиз. Агар улардан бирининг нияти гўшт олиш бўлса, қолганларнинг қурбонлик нияти ҳам ўринга ўтмайди. Зеро, қурбонликнинг рукни гўшт олиш эмас, мол сўйишдир. Етти киши бир бўлиб сўйган қурбонлик гўштини килолаб тортиб, тенг тақсимлаб олишлари лозим бўлади.

— Қурбонлик қилувчи сўйишни билса, ўзи сўяди. Билмаса, бировга буюриб, ўзи унинг олдида туради.

— Қурбонлик сўйиши вожиб бўлган киши қурбонликни вақтида сўймаса, кейин унинг қийматини садақа қилиши вожибдир.

— Сўйилган қурбонликнинг учдан бирини садақа қилиш, учдан бирини едириш, учдан бирини кейин ейишга олиб қўйиш мустаҳаб. Серфарзанд бўлса, ҳаммасини ўз фарзандлари учун қолдириши мустаҳабдир. Мусулмон бўлмаган қўшниларига ҳам қурбонлик гўштидан берса бўлади.

— Ҳайвонни сўймасдан, тирик ҳолида бир камбағалга бериш қурбонлик ҳисобланмайди, садақа бўлади.

— Қурбонлик сўйиши вожиб бўлмаган киши қурбонлик қилиши мумкин. Аммо қурбонликка сўйиладиган ҳайвонни вожиб қурбонлик ниятида эмас, суннат қурбонлик ниятида сотиб олиш керак бўлади. Агар уни вожиб қурбонлик ниятида сотиб олса, назр қилинган мол гўштидан ўзи ва бойлар ейиши мумкин эмас. Уни камбағалларга садақа қилиши лозим.

— Қурбонлик ҳайвони сўйиладиган жойга озор бермасдан олиб келинади. Туядан бошқа ҳайвонлар қиблага қаратиб, чап ёнига оҳиста ётқизилади. Қурбонлик қилаётган киши агар ўзи сўйса, Аллоҳ учун қурбонлик қилаётганини ният қилиб: "Бисмиллаҳи, Аллоҳу акбар" дейдию катта ва ўткир пичоқ билан дарҳол жонликни сўяди.

— Агар қассобга сўйдирса, қассоб сўйишни буюрган кишининг қурбонлиги эканини ният қилади. Агар қассоб билан бирга пичоқни ушласа, у ҳам жонлиқ гўшти ҳалол бўлиши учун "Бисмиллаҳи. Аллоҳу акбар" дейиши лозим бўлади.

— Қурбонлик терисини сотиш, қассобга меҳнати эвазига бериш мумкин эмас, у фақир кишига садақа қилинади ёки рўзғорда ишлатиш учун меш, палос (пўстак) тайёрланади. Ёхуд узоқ муддатга ишлатиш учун мўлжалланган қозон, товоқ каби буюмларга алмаштирилади.

— Қурбонлик терисини масжидга топширишда унинг имоми ёки бирор ходимига бериш мақсад қилинса, дуруст бўлади. Акс ҳолда, садақа бўлмайди. Чунки садақа истеъмолчига берилади, масжид эса истеъмолчи ҳисобланмайди.

"Раддул Мухтор", "Дуррул Мухтор", "Фатовои Қозихон", "Хулоса", "Мухтасарул виқоя" китоблари асосида тайёрланди.

"ҲИДОЯТ" журналининг 2005 йил 11-сонидан олинди.

Олам турфа

ҲОЗИРЧА МАРДЛАР ЙЎҚ

Анталиянинг Стоктон-он-Тис шаҳридаги Видеомагнитофонлар салони эгаси Дэвид Хадспед харидорлар эътиборини ғаройиб ва ҳавфли танловга жалб этди.

Танлов шартига кўра, кимда-ким дўкон пештахтасидаги аквариумга ташлаб қўйилган жетонни олса, унинг олаётган маҳсулоти маълум миқдорда арзонга берилади. Унинг нархи жетонда кўрсатилган бўлади. Аквариумда эса йиртқич пираньи балиғи бор. Танлов қатнашчилари жетонни фақат қўллари билан олишлари керак. Хозирча аквариумга қўл соладиган мард топилганича йўқ.

НАРХ-НАВОДАН ЙИҚИЛДИ

Ревда шаҳридаги яшовчи бир кампир оғир хасталиги туфайли бир йилдан бери кўчага чиқмаган эди.

78 ёшли бу кампирнинг соғлиғи энди яхшиланиб, биринчи марта кўчага чиқди. Аммо озиқ-овқат дўконига кирмай турса бўларкан.

Гап шундаки, кампир дўконда тухумнинг нархини кўриб, яна юрак ҳуружига мубтало бўлди ва дўкондан тўғри касалхонага олиб кетилди.

ШАҲАР ҲОКИМИ СУПУРГИ БИЛАН

Бундан бир неча йил илгари Мельбурн (Австралия) ҳокими Уисдом хоним миллион аҳоли яшайдиган бу шаҳарда тозалик учун кураш кампаниясини бошлаб юборганди.

Хўш, бунинг нимаси янгилик, одатдаги ташаббуслардан бирида, деб ўйламанг тағин. Бу кампаниянинг одатдагилардан фарқи шундаки, унда шаҳарнинг бош кўчаларидан бирига биринчи бўлиб шаҳар ҳокими супургиси билан келди ва бошқалар қатори кўчани тозалашда жонбозлик кўрсатди.

Кўча-кўйдаги гап — уйга ҳам тўғри келади

"...МУҲАББАТИНГДАН ЎРГИЛДИМ!"

деди қизларнинг беандишалигидан хафа бўлган аёл

Эрталаб метрога чиқдим. Ҳамма ўз ташвиши, хаёли билан банд. Фақат вагон ўртасида тик туриб кетаётган учта қиз дунёни унутган. Худди ён-атрофда ҳеч ким йўқдек, баланд овозда бемалол суҳбат қуришяпти.

— Ойбекни нима қилдинг?

— Ўлсин, орқамдан итдек эргашиб юрганди. Қарасам, бўлмайдиган, "овора бўлма, мен Шоҳруҳни севаман. Яхшиси севишимни унга бориб айт", дедим.

— Шўрликни армонга қолдирибсан-ку, — дея қаҳ-қаҳ урди ёнидаги дугонаси.

Қизларнинг бундай андишасизлигидан ўрта ёшли бир аёлнинг ғаши келди шекилли, уларга дашном берди.

— Қанақа қизсизлар ўзи? Шунча одамнинг олдида йигит танлаш ҳақида гапиришга уялмайсизларми?

Қизлар уялиб кетишса керак, деб ўйлагандим. Йўқ, аксинча безрайиб аёлга гап қайтаришди:

— Сизга нима?

— Онанг тенги аёлман, гапираётган гапингни қара. Ҳе, муҳаббатингдан ўргилдим, сенларнинг!

Дугоналарнинг жавоби оғзида қолди. Аёл навбатдаги бекатга тушиб кетди.

— Ўзининг даври ўтган-да, — деди қизлардан бири лаб буриб.

— Алам қилсин!

— Шунақа қайнонага тушиб қолсанг борми...

— Бўғиб қўярди.

Улар йўловчиларнинг ўзларига нафрат билан қараб-қараб қўяётганликларини ҳатто сезишмасди ҳам.

Элдорбек АКРАМОВ, ТАТУ 2-курс талабаси.



Оналаримиз бахтининг тўкислиги — фарзандлар қувончу камолотида. Зеро, кексаларнинг "Фақат тўйларга етказсин" деган дуолари замирида ҳам аслида ана шу эзгу орзу рўёбига умидворлик мужассам.

Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

Қорақалпоғистон Республикаси

АКЖАГИСДАГИ БОКС ЗАЛИ

уни бунёд этишга маҳалла тадбиркори ҳомийлик қилди

Нукус шаҳридаги Акжагис (Оқ соҳил) маҳалласи марказида барча қулайликларга эга бўлган шинам бокс зали қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ушбу бино спорт фидойиларидан бири, "Ҳунар" спорт клуби раҳбари, тадбиркор Зариф Олланиёзовнинг ташаббуси билан бунёд этилди.

— Бу ерда ҳозирча юз нафар болалар кунига икки марта бокс бўйича машғулотлар ўтказаяпти, — дейди мурабий Саломат Давлетбоев. — Уларнинг сафи янада кўпайишига шубҳа йўқ, чунки машғулотлар ўтказиш учун залда барча шароитлар етарли.

Тадбиркор Зариф Олланиёзовдан бугун маҳалла аҳли жуда мамнун. Албатта, эл ташвиши билан яшайдиган бундай саховатпеша инсонлар кўпчиликнинг ҳурматига сазовор бўлиши аниқ.

Асилбек ИСКАНДАРОВ, "Mahalla" мухбири.

Қашқадарё вилояти

ҲАРБИЙ ҚИСМЛАРДА МАҲАЛЛА ТАДБИРИ

Вилоят ҳокимлиги ва "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими ташаббуси билан жойларда "Маҳалла кунлари" тадбирлари ўтказилмоқда. Жамғарма бошқарув раёсати йиғилишининг қарорига кўра ҳар ойда "Маҳалла" жамғармаси шаҳар, туман бўлинмалари томонидан ҳарбий қисмларда маданий-маърифий тадбирлар ўтказиш йўлга қўйилган.

Шу йилнинг 13 декабрь куни Нишон туманининг Нуристон шаҳарчасида жойлашган сафарбарлик чақирув резерви батальонида "Маҳалла" жамғармаси Касби тумани бўлинмаси томонидан ана шундай тадбирлардан бири ўтказилди.

Тадбирда тумандаги қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари вакиллари, туман маданият ва спорт ишлари бўлими, мудофаа ишлари бўлими ходимлари, коллеж талабалари ҳамда юқори синф ўқувчилари иштирок этишиб, ҳарбий хизматчиларнинг яшаш шароитлари ва хизматдаги фаолиятлари билан яқиндан танишдилар.

Бўлинма томонидан батальон кутубхонасига бадиий ва сиёсий адабиётлар тортиқ қилинди.

Тадбирда "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими раиси Д.Аллаев, туман бўлинмаси раиси Ф.Бафоева, Қамаши қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Й.Қораевлар ҳарбий хизмат йигит киши учун шараф эканлиги хусусида маъруза қилдилар.

МУХБИРИМИЗ

Йиғиннинг ҳомийси ким?

ҚЎРҒОННИНГ ҚЎРҒОНИ - РАИС

Нурота туманидаги Ғозғон қўрғон фуқаролар йиғини ўрамида учта — Шайхон, Гулистон ҳамда Мармаробод маҳаллалари фуқаролар йиғинлари фаолият кўрсатади. Қўрғон йиғинига икки йилдирки, тадбиркор инсон Суннат Ҳусайнов раислик қилиб келмоқда.

Оқсоқол фаолиятидаги қатор ютуқлар асосан унинг ҳудудда ободончилик борасида амалга оширган хайрли ишларида яққол намоён бўлади. Хусусан, қўрғонда авария ҳолатидаги клуб биноси, фуқаролар йиғини раиси ва котиби хоналари таъмирланди. 3,5 миллион сўм маблағ эвазига амалга оширилган бу ишнинг ташаббускори ҳам, ҳомийси ҳам оқсоқолнинг ўзи бўлди. У 2000 йилда йиғин ҳудудида "Рушана" фермер хўжалигини ташкил этганди. 20 гектарлик боғ, яйловлар хўжалик тасарруфида. Қолаверса, тадбиркор оқсоқол ўзига қарашли мармар тошни қайта ишлаш, мармар қазиб олиш цехларидан йилига катта даромад олади. Доимо маҳаллада эзгу ишлар ҳомийси бўлиб келган Суннат акани эл йиғинга раис этиб сайлаб янглишмади. Энди у кўпга бошчи сифатида ҳудудда фаолият юритувчи тадбиркорларни, саховатпеша инсонларни ҳам бундай ҳожатбарорлик ишларига кенг жалб қилмоқда, ортидан эргаштирмоқда. Натижада ўтган 2 йилга яқин вақт мобайнида йиғин ҳудудида ободончилик ва бунёдкорлик ишлари анча жонланди. Жумладан, маҳалла касалхонаси, 6-,19-умумтаълим мактаблари, қишлоқ врачлик пункти бинолари тўла газлаштирилди. 8,5 миллион сўм эвазига 6-мактаб биноси томи капитал таъмирдан чиқарилди. Ж.Ҳамроев, А.Навоий номли ҳамда Кончилар маҳаллалари гузарлари тўлиқ "зангори олов" билан таъминланди. Ёшларнинг спорт билан шуғулланишлари учун янги Ғозғон спорт мажмуаси бунёд этилиб, фойдаланишга топширилди.

Ундан ташқари, ҳомийлар янги кўприк, 6-мактабда янги спорт ўйингоҳи бунёд этилишига ҳам катта ҳисса қўшдилар. Йил якунига қадар маҳалла касалхонаси қошида Оналар ва болалар маслаҳатгоҳи биноси қурилиши якунланади. Бинобарин, Мармаробод ва Осиё қишлоқларида ётқизилган 3,5 км.лик газ қувурлари ишга туширилиб, ҳудуд аҳли "зангори олов" билан тўлиқ таъминланади.

Б.ОМОНОВ, Нурота туманидаги Мармаробод маҳалласи оқсоқоли.

Навоий вилояти

Қашқадарё вилояти

Китоб туманининг Сариосиё қишлоғидаги болалар спорти мажмуасида республика "Болалар спортини ривожлантириш" жамғармаси томонидан спорт жиҳозлари тақдимоти ўтказилди.

ТЕННИСЧИНИНГ СОВҒАСИ

тақдимот маросимида спорчиларга топширилди

Бу юртимизда болалар спортини ривожлантириш ҳамда ёшларни ҳар томонлама баркамол этиб вояга етказиш соҳасида қилинаётган сайъ-ҳаракатларнинг бир кўринишидир.

— 10 миллион сўмлик бу жиҳозлар спорт тўгараклари ишини йўлга қўйиш ва қишлоқ болаларининг спорт билан шуғулланишлари учун имкон яратди, — дейди жамғарма вилоят филиалининг директори Б.Авазов.

Тақдимот маросими ўзбек спортининг ёруғ юлдузи, машҳур теннисчи Ирода Тўлаганова билан учрашувга уланиб кетди. Ўзбекистонни дунёга машҳур этаётган бу спорт устаси ҳам спортчилар сафидан жой олаётган ёшларга махсус соврин ва мукофотларини топширди.

Шунингдек, вилоятдаги яна 8 та мактаб қошида қурилган спорт залларига 56 миллион сўмлик турли спорт жиҳозлари топширилди.

Қурбон ЭГАМБЕРДИЕВ, "Mahalla" мухбири.



Работи Маликнинг пештоқи

Тарих тилсими

РАБОТИ МАЛИК

Работ — арабча қўрғон, истеҳком, меҳмонхона, карвонсарой маъноларини англатади. Работлар асосан чўл ва сувсиз биёбонлардан ўтувчи узоқ карвон йўлларида савдогар ва йўловчиларнинг хотиржам қўниши ва тўхтаб дам олишлари учун қурилган.

Ўрта Осиё работлари орасида ўзининг қурилиш услуби, қадимийлиги жиҳатидан энг машҳури Работи Малик ҳисобланади. Аждодларимиздан мерос бўлиб қолган бу тарихий-меъморий ёдгорлик ҳозирги Навоий шаҳри билан Қизилтепа орасида жойлашган. У Бухоро — Самарқанд йўлининг Малик йўналишидаги йирик бекат бўлиб, ўз вақтида карвонсарой вазифасини ўтаган. Шу билан бирга бу работ Бухоро чегарасидаги муҳим ҳарбий-стратегик истеҳком-қўрғон ҳам бўлган.

Работи Малик Қорахонийлар сулоласига мансуб Бухоро амалдори, подшо Малик Шамсул Мулк Носир Ибн Иброҳим даврида (1069-1079 йилларда) қурилган. Работи Малик "подшо работи" деган маънони англатади.

Бу меъморий иншоот ўша даврнинг истеъдодли бинокор усталари томонидан мустаҳкам ва гўзал қилиб қурилган. Буюк Ипак йўлида бунёд этилган Работи Малик карвонсаройи кетма-кет жойлашган икки чорси ҳовлидан иборат бўлиб, ташқи деворларининг ҳар тарафи 84-86 метр атрофида бўлиб, баландлиги олд томонидан 12 метрни ташкил этган.

Дарвоза пештоқи ўзининг қурилиши ва безаги жиҳатидан бетакрор. Карвонсарой ҳовлисига жануб томондан баландлиги 18 метр, эни 12 метр бўлган пештоқли дарвоза орқали кирилган. Ичкарида катта ва кенг иккита ҳовли, атрофида ҳужралар, марказий қисмида сарой бўлган. Карвонсарой ичкарисида узун девор бўйлаб хоналар, ҳужралар, оғиллар, юк жойлаштириладиган махсус хоналар бўлган. Работи Малик мажмуасининг атрофи баланд ва мустаҳкам мудофаа девори билан ўраб олинган.

Работи Малик деворининг ички қисмига хом ғишт, ташқарисига эса пишиқ ғишт ишлатилган. Работнинг чекка буржлари гулдаста минора шаклида, тепасида эса равоқли қафаса (махсус хона) бўлиб, бу ердан кузатиш мақсадида фойдаланилган. Унинг безаклари асосан, ғиштин, оз миқдорда ўйма ганч нақшларидан иборат.

Ҳовлига кираверишдаги дарвоза пештоқи чиройли, миллий услубда безатилган бўлиб, нақшларга бой, унда саккиз қиррали юлдузлар, турли геометрик шакллар мавжуд.

Икки четида бурж бўлиб, улар ўзаро баланд девор билан боғланган. Девор юқориси ғиштин куфий хатлар билан ҳошияланган. Работи Малик меъморий иншооти ўзининг баланд ва мустаҳкамлиги, қурилиш услуби, шакли ва ўйма безаклари билан бошқа работлардан ажралиб туради.

Ушбу иншоот атрофида савдо дўконлари ва расталар, бозор майдончаси, пешайвонли ҳовли-жойлар, сотиш учун келтирилган молларни сақлайдиган махсус хоналар, қўриқчи-соқчилар ҳамда савдо хизматчилари учун ҳужралар бўлган. Шунингдек, бу ерда юк ташувчи ҳайвонлар — отарава ҳамда туялар учун жой ажратилган. Карвонсаройда ошхона ва чойхона ҳам фаолият кўрсатган.

Работи Малик карвонсаройи рўпарасидаги сардоба ҳам ўша даврда қурилган нодир иншоотлардан биридир. Ушбу сардоба тоза ва совуқ ичимлик суви сақланадиган, усти гумбазсимон ёпилган ҳовуз вазифасини ўтаган. Сардоба пишиқ ғишт, ганч ва махсус гилдан ишланган. Унга кириш учун тепа қисмига туйнукли эшик ўрнатилган. Сардобанинг цилиндр шаклидаги деворлари қалинлиги 1,5 метр, диаметри 12-13 метр, чуқурлиги эса 15-18 метрни ташкил этади.

Самарқанд билан Бухоро оралиғидаги чўлларда ягона оби ҳаёт манбаи саналган Работи Малик сардобаси Мустақиллик шарофати билан ободонлаштирилиб, таъмирланиб, аста-секин асл қиёфасига қайтмоқда.

Унинг улкан пештоқи ва сардобаси ёдгорлик сифатида сақланиб қолган, холос. Афсус, бу тарихий бино мажмуаси асрлар давомида ўрганилмай, мутахассис олимлар назаридан четда қолди. XIX асрнинг 40 йилларига келиб айрим ўлкашунослар томонидан меъморий обидалар, жумладан, Работи Малик ҳам ўрганилди. Рус табиатшуноси Александр Леман (1814-1842) 1841-1842 йилларда Бухорога илмий сафар қилиб, Работи Маликни кузатиб, унинг чизма нусхасини олиб, бу тарихий бино ҳақида биринчи марта қимматли маълумот тўплаган.

А.Леманнинг Бухоро бўйлаб қилган илмий сафари ҳисоботи ҳамда Работи Малик биносининг чизма нусхаси махсус альбомига киритилган ва бу нодир альбом айни пайтда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг нодир нашрлар ва қўлёзмалар бўлимида сақланмоқда. Работи Малик ҳақида Чоризм зобитларидан бири Николай Маев ҳам маълумотлар тўплаб, "Туркестанские ведомости" газетасида эълон қилган. Шунингдек, барон Н.А.Аминов ҳам 1869-1870 йилларда Работи Малик ва Сардобани қисман ўрганиб, газетада эълон қилган.

Буюк Ипак йўлидаги энг қадимги ва улкан карвонсарой — Работи Малик бугунги кунда давлатимиз томонидан қонун йўли билан муҳофаза қилиниб, маданий меросимиз сифатида сақлаб келинаяпти.

Рашид БОЙТИЛЛАЕВ

ҒОЙИБОНА СУҲБАТ

Бадиа

Аёл вазмин одим ташлаб, тепаликка кўтарилди-да, қабрлар оралаб кетди. Яқинлашгач танидим. Маҳалладошим Салима опа. Унинг қўлида бир даста лола. Опа бориб бир қабр бошига чўкди, қўлидаги лолани ботрига босиб, бир нуқтага термулиб қолди. Шу чоқ қабрдан садо чиққандек бўлди, Салиманинг хаёлида:

— Яна келдингми, жоним?

— Ҳа, келдим, азизим. Ахир, нега келмайин, мен сизни севаман-ку, Олим ака! Мен учун ҳамон тириксиз...

— Лекин сенинг изтироб азобида юришингни истамайман. Мана, қара, сочларингга оқ оралабди. Юзларингни ажин босибди. Мен сенинг садоқатингга шунчалик арзирмидим?

— Сиз мен учун дунёда тенги йўқ инсонсиз. Орамиздаги биллурдек соф севги, беғубор муҳаббат ҳеч қачон сўнмайди. Мен уни покиза сақлайман. Ишонинг! Бунинг устига, Бунёд-чи? Бунёд ўғлингиз. Ўша мудҳиш воқеадан сўнг уч ой ўтгач туғилди. Ҳозир бўйи анча чўзилиб қолди. Қадди-қомати, қош-кўзлари худди қуйиб-қўйгандек сизга ўхшайди. У сиздан қолган ёдгорлик. Иккаламизнинг ўша ширин орзу-ҳавасларимиз энди ўғлимизга насиб этсин.

— Бас, йиғлама. Начора. Ўшанда шундай бўлишини қаёқдан билай. Яхшиси тингла, Салима, бўлган воқеани айтиб берай. Шояд кўнглинг бир оз ёришса, юмшаса...

Ёдингдами, сен билан сўнгги бор адирда учрашган кунимиз. Майса поёндоз устида ўтириб, тўйимизга кўрилаётган тайёргарлик тўғрисида узоқ суҳбатлашдик. Никоҳ маросимига қатнашадиган дўстларимизни бир-бир санадик. Сўнг ширин хаёллар оғушида қош қорайганда машинамда уйга қайтдик. Сен йўлда қолдинг. Мени дарвозамиз ёнида Нозик момо қарши олди. Момо кўпни кўрган, 104 ёшли табаррук аёл эди.

— Олимжон, — деди момо, — сени кутяпман. Анчадан буён кўзларим йўлингда...

— Хўш, хизмат, моможон?

— Биласан, кенжа набирам — Самия шаҳарда туради. Ҳалигичи, Ўрол милисанинг хотини. Кеча туш кўрдим. Тушимда Самия оқ рўмол билан бошини танғиб олган, оқсоқланиб юрибди. Кўнгил душман-да, момогинанг қоқиндиқ. Бетобмикан, деб сира тинчимаяпман. Мени Самиянинг уйига ташлаб қайтсанг, дегандим. Савоб иш, ўргилай. Ҳаққингга дуо қиламан. Биласан, киндигингни ўзим кесганман. Момонг бўламан-а!

Момонинг сўзини икки қилолмадим. Чунки гузаримизнинг кексаси, тўй-маракаларда аёлларга бош, маслаҳатгўй. Бунинг устига, Нозик момонинг ҳам якка-ю ягона ўғли бор эди. Гитлерчилар бош кўтарганда кўнгилли бўлиб жангга отланди. Аммо қайтмади, биз учун, келажак авлод учун жон берди. Шуни била туриб, момога йўқ, деб бўлармиди?! Шунинг учун ҳам момони ёнимга ўтқазиб, йўлга чиқдим. Момо сен ҳақингда сўради.

— Ўргилай, келиннинг исми нима эди?

— Салима, — дедим мен кулимсираб.

— Тўй қачон? Боз мен шаҳардан қайтгунимча ўтказиб юборманглар, хафа бўламан. Олимнинг тўйида ўйнайман, деб ният қилганман, болам.

— Насиб этсин, моможон. Сиз қатнашасиз, ҳали. Тўйга шайланаяпмиз. Келгуси ҳафтада мўлжалимиз.

— Яхши, қўша қариб, ўзларингдан кўпайинглар...

Нозик момо билан суҳбатлашиб, манзилга етганимизни ҳам сезмай қолибмиз. Момони қўлтиқлаб олиб, набирасининг дарвозасидан ичкари киритиб, ўзим ортга қайтдим. Анча йўл босган эдим. Машина бир силкингач, нима бўлди-ю, рул менга итоат қилмай қолди. Эҳтимол, рулнинг тутқич мурвати чиқиб кетгандир. Шу пайт машина йўлдан чиқиб ағдарилганини биламан. Мунаввар олам зулмат қаърига чўкди. Начора, паймонам тўлган экан. Салима, мен сен билан бирга бўла олмадим, ширин сўз айтиб кўнглингни хушлай олмадим...

Салима ўзини босиб туролмади. Унинг кўзларидан оққан шашқатор ёш оқува юзларидан сизиб тушар, бўғзига бир нарса тиқилиб энтикиб-энтикиб нафас оларди. Салиманинг изиллаб фарёд чекишидан табиат ҳам тўлганиб кетгандек бўлди. Борлиқ хиралашди. Момоқалдироқ гумбирлаб, ёмғир томчилади. Салима бунга парво қилмагандек, шошилмай, ўрнидан турди, сўнгра яна энгашиб, ҳамон бағрига босиб турган бир даста лола қабр пойига қўйди.

Бу биринчи марта эмас. Фожеа юз берганида Салима эндигина 22 баҳор гаштини сурган эди. Энди у кексаликка юз тутган бўлса ҳам, Олимнинг сиймоси ҳамон кўз ўнгида. Ҳар йили Наврўзни байрам сифатида эмас, Олимнинг туғилган куни сифатида қарши олади, дастурхон ёзиб, байрамдек нишонлайди. Ўша куни унинг қабрини зиёрат қилади, пойига бир даста лола қўйиб қайтади. Бунинг боиси бор. Олим табиат инъом этган гуллар ичида лолани хуш кўрарди. Ҳамиша баҳор фаслида бўш вақт топди дегунча даштга отланарди, даста-даста лола териб қайтарди. У Салима билан юзма-юз туриб, илк бор кўз уриштирган кунидаёқ соф муҳаббатининг рамзи сифатида унинг қўлига ҳам бир даста лола тутқазганди...

Омон ШУКУРОВ

ФЕРМЕР ОНА ҲОМИЙЛИГИ

Юртимизда фермерлик ҳаракати кенг кулоч ёзаётган бир пайтда бу масъулияли ишга хотин-қизларнинг ҳам бош қўшаётгани қувонарли ҳол. Хазорасплик Ҳалима она Кутумова ҳам айни пайтда туман ҳудудида жойлашган "Нурафшон" фермер хўжалигига раҳбарлик қилиб келмоқда. Қишлоқ хўжалиги соҳаси равнақига беқиёс ҳисса қўшиб келаётган бу ишбилармон аёл меҳр-мурувват борасида ҳам кўпчиликка ибрат. У 13 фарзанднинг онаси бўлишига қарамай, Меҳрибонлик уйида тарбияланаётган болаларни ҳам ўз набиралари қаторида вояга етказаяпти.

СУРАТДА: *Ҳ.Кутумова набиралари билан.*

Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

МУҲАННИМЛАР ТАЪБИРИ

КЎЙ (21.03-21.04)

Виждонан иш кўришингиз омад кулиб боқишига олиб келади. Янги йил совғалари хариди учун айни кунлар жуда қулайдир.

СИГИР(22.04-20.05)

Сизнинг янги режаларингиз атрофдагилар томонидан тасдиқланмаса, тугалланмаган режаларингизни амалга оширганингиз маъқул.

ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06)

Айни кунларда катталар маслаҳати ва насиҳатларига амал қилсангиз, муаммоларингизни бирмунча осонлаштириши мумкин.

ҚИСҚИЧБАҚА (22.06-22.07)

Айни кунларда қарз, кредит, мерос каби масалаларни кўриб чиқсангиз, юзага келадиган айрим қийинчиликларнинг олдини оласиз.

АРСЛОН (23.07-22.08)

Яқин кишингизга дил сўзларингизни айтадиган пайт етди. Ушбу кунларда яқинларингиз ва оила аъзоларингиз билан бирга бўлинг.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)

Шу кунларда юмушлар кўпайиши мумкин. Уларни бартараф этишда, энг аввало, яхши кайфият ва ишонч талаб этилади.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)

Айни кунларда сизни ижодий ютуқлар ва романтик танишувлар кутмоқда. Яқинларингизга эътиборлироқ бўлишни унутманг.

ЧАЁН (23.10-22.11)

Сўнгги кунларда кўчмас мулк ва хўжалик юмушлари билан банд бўласиз. Бу борада сизга қариндош уруғлар кўмаги керак бўлади.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)

Сизга керак бўлган маълумотларга эга бўлиш истаги эски танишлар билан муносабатнинг тикланишига олиб келиши мумкин.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)

Сиздан олинган қарзлар айни кунларда қайтарилиши мумкин. Дам олиш кунларини дўстлар даврасида ўтказганингиз маъқул.

ҚОВҒА (20.01-18.02)

Айрим масалалар юзасидан дўстларингизга мурожаат этишингизга тўғри келади. Яхшигина ҳордиқ чиқаришингиз керак.

БАЛИҚ (19.02-20.03)

Айни кунларда юзага келадиган вазиятлар ўзингизга бўлган ишонч туйғуси сиз учун омад калити эканлигини исботлайди.

Диққат: обуна!

Халқ донишмандлиги, маҳалла иши намунаси, отахон ва онахонлар ҳаёт тажрибаси ойинаси, сизнинг содиқ йўлдошингиз — Mahalla дир.

ПРОСПЕКТ ЭМИССИИ ИМЕННЫХ ПРОЦЕНТНЫХ ОБЛИГАЦИЙ ОАО СП «DEMIR TEKSTIL»

I. Основные сведения об эмитенте

Полное и сокращенное наименование:	Совместное предприятие в форме открытого акционерного общества «DEMIR TEKSTIL» СП ОАО «DEMIR TEKSTIL»
Местонахождение и банковские реквизиты:	Ташкентская обл., Ахангаранский район хоз-во «Янги Хаёт» Банк: ГОО НБ ВЭД РУз код 00407 Р/сч № 20208000104148301001
Наименование регистрирующего органа:	Управление Юстиции Ташкентской области
Дата и номер государственной регистрации акционерного общества:	№ 46 "27" октября 2004 г.
Дата и номер государственной регистрации выпуска ценных бумаг:	"16" декабря 2005 г. № P0794
Основные виды деятельности:	- Организация производства пряжи и другой текстильной продукции - производство путем переработки текстильного сырья тканей, готовой одежды и другой текстильной продукции - оптовая и розничная торговля готовой текстильной продукции собственного производства

II.Сведения о предстоящем выпуске ценных бумаг

	1. Общие данные о ценных бумаг:	
1.1.	Общий объем выпуска (по номинальной стоимости):	1 700 000 000 (один миллиард семьсот миллионов) сум
1.2.	Выпускаемые ценные бумаги:	Именные процентные облигации
1.3.	Номинал одной ценной бумаги:	10 000 (десять тысяч) сум
1.4.	Доходность облигаций:	23 % годовых
1.5.	Периодичность выплаты доходов:	Ежеквартально
1.5.	Срок обращения облигаций:	1 год (365 дней)
	2. Данные о порядке выпуска ценных бумаг:	
2.1.	Дата принятия решения о выпуске (дата проведения общего собрания):	29.11.2005 года
2.2.	Орган управления, принявшие решение о выпуске:	Общее собрание акционеров
2.3.	Начало процесса распространения ценных бумаг:	30 декабря 2005 года
2.4.	Окончание процесса распространения ценных бумаг:	30 декабря 2006 года
2.5.	Место, где потенциальные покупатели могут приобрести (подписаться) на ценные бумаги:	Ташкентская обл., Ахангаранский район хоз-во «Янги Хаёт»
2.6.	Форма выпуска облигаций:	безналичные
2.7.	Место, где потенциальные инвесторы могут ознакомиться с условиями выпуска	Офис ОАО СП «DEMIR TEKSTIL» Ташкентская обл., Ахангаранский район хоз-во «Янги Хаёт» Офис компании «DEMIR», ул. Бухоро-26 Тел.133-06-00, 152-13-09

Информация о намерении приобретения пакета акций более 15 % от уставного фонда. Инвестор: ООО "BUTUN TRADING". Эмитент и его адрес: ОАО "XUMSON" sanatoriyasi" Таш. обл. Бустонликский р-н, поселок Хумсон. Тип приобретаемых акций: акция простая именная безналичная. Количество акций, которые намерен приобрести инвестор — 6250 штук, что составляет 24 % от уставного фонда.

Информация о намерении приобретения пакета акций более 15 % от уставного фонда. Инвестор: ЧП Бабаханов Абдурашид Талатович. Эмитент и его адрес: ОАО "XUMSON" sanatoriyasi" Таш. обл. Бустонликский р-н, поселок Хумсан. Тип приобретаемых акций: акция простая именная безналичная. Количество акций, которые намерен приобрести инвестор — 6770 штук, что составляет 26 % от уставного фонда.

Утерянный гос. ордер 10-01/10946 от 24.02.93 г. о праве собственности на имя Конашева Николай Ивановича на квартиру считать не действительным.

Ўзбекистон автомобил ва дарё тарнспорти агентлиги томонидан 2003 йил 19 февралда Хасанов Фарход Абдунабиевич номига берилган АТ 0347092 рақамли лицензия карточкаси йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

Утерянные документы договор купли-продажи квартиры и план дома (регистрационный номер в реестре 11184) выданное 12.09.2001 году на имя Баязитова Шавкат Абдульбариевича считать недействительными.

"XXI ASR" МЧЖ Фарғона вилоятининг Олтиариқ туманидаги "11-Автокорхона" ОАЖнинг 25484 дона, 25,48 фойиз акциясини сотиб олаётганини маълум қилади.

"Контроль-Гарант" ЁАЖ муҳим фактлари тўғрисида маълумот:
Тартиб рақами 10.
Ижроия органи таркибидаги ўзгаришлар:
"Контроль-Гарант" ЁАЖ директори этиб Миронов Евгений Эдуардович тайинланди. Буйруқ 4/1, 2005 йил 12 декабрь.
"Контроль-Гарант" ЁАЖ бош бухгалтери этиб Мирзахмедова Нодира Мирабидовна тайинланди. Буйруқ 4/2, 2005 йил 12 декабрь.

Mahalla

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:

Аъзам ГАДОЙБОЕВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Мавлуда ҚОСИМОВА (бош муҳаррир ўринбосари), Бахтиёр РИЗАЕВ, Шуҳрат РИЗАЕВ, Бехбуд ЖУМАЕВ, Таъна берди ҚУРБОНОВ.

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93
Тел/Факс: — 133-44-25
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62

6909 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-222 Топширилди —
1 2 3 4 5 6